



Бир пайтлар ушалмас бўлиб кўринган орзуларимиз бугун амалга ошди. Ўзбекистонимиз ниҳоят мустақил давлат мақомини олди. Аммо бу ҳамма қийинчиликлар ортда қолди, деган маънони билдирмайди. Аксинча, юртдошларимизнинг ҳар биридан ҳалол меҳнат қилиб, юртимиз моддий бойликларини кўпайтиришга ҳисса қўшишларини талаб қилади. Бунинг учун эса ҳар биримиз ташмачилик, порахўрлик, юлғучлик, чайқовчилик каби иллатлар билан мурасасиз бўлишимиз, шундай тоифадаги шахслар кирдикорларини беаёв фош этишга одатланишимиз керак. Қонунларимиз эса ана шу ҳаракатларнинг амалга ошишида кучли қалқонимиз бўлиши жоиздир.

Амалда эса кўп ҳолларда ундай эмас. Баъзан оддий фуқаролар: «Қонунлар гўёки яхши пишитилган лой, унда судьялар хоҳлаган шаклни ясашлари мумкин», — деган фикрни айтадики, қўшилмай иложинг йўқ.

Мен милицияда 1977 йилдан бери ишлаб келмоқдаман. Айни кунларда Қўқон шаҳар ИИБ участка вакилиман, унвоним милиция катта лейтенанти.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида шаҳардаги ип йигирув-пайпоқ тўқув ишлаб чиқариш бирлашмасида Мамлакатхон Мамажонов деган аёлни 40 жуфт пайпоқни ўғирлаб чиқиб кетган маҳалида ушладим. Тўпланган ҳужжатларни ИИБ тергов бўлимасига оширдим. Терговчи Ғайратжон Умрзоқов унга нисбатан жиноят мажмуасининг 114-моддаси 1-бандига асосан иш қўзғатди. Аммо шу орада Президентимиз Авф эълон қилган, М. Мамажонов муқаррар жазодан қутулди.

У қорхонада назоратчи бўлиб ишлар, эшикдан ташқарига чиқиб кетаётган аёллар бу ерда тайёрланган маҳсулотни ўғирлаб чиқиб кетяптими-йўқми —

текшириб туриши керак эди. Қорхона маъмурияти уни вазифасидан четлаштириб, бирлашма қошидаги болалар боғчасига ишга қўйди. Назаримда, уларнинг ҳаракатлари тўғри эди. Чунки ўғрилик билан қўлга тушган қоровулни Авф муносабати билан яна жойида қолдириш — қўйни бўрига топшириш билан баробар бўларди. Аммо Мамажонов Қўқон шаҳар судига аввалги ишига тиклашларини сураб ариза берди. 1992 йил 27 январь кунни мени гувоҳ сифатида чақиришди.

Воқеа ривожидан аниқ

судда уни яна қайтадан аввалги вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарилди. Ёқамни ушладим, ўзи 40 жуфт пайпоқ билан қўлга тушган қоровул қайси юз билан бошқаларни текшира олади? Бир-иккита пайпоқни кўйлаги ичига яшириб олган тўқувчини тутиб олганида ҳам, бирор нарса деб чора кўришга маънавий ҳаққи борми унинг? Наҳотки, шу нарсалар, адвокатни қўя турайлик, Г. Ёқубованинг ҳаёлига келмади? Ахир, у ҳам ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси, тажрибали қонуншунос-ку! Ахир, у шу

рилиш объектларида ишлатиш керак эди. Шундагина бошқалар унинг жазоланганини аниқ билиб, ўзларига хулоса чиқариб олган бўларди. Ўртоқ Исоқов бу фикримни ўшанда чин юракдан маъқуллаган эди.

Масаланинг бошқа томони бор. Айтайлик, бир ташмачини фош этаётганингизда, томошабинлар кўпайиб кетади. «Фалончини милиционер тутиб олибди», — деган гап зумда бутун бирлашмага ёйилади. Суд эса ўша шахсни номукамал қонунларга асосланиб қўйиб юбора-

ФИКРИМНИ БИЛДИРАМАН

ҚОНУН ТЕМИРМИ ЁКИ ЛОЙ?

кўриниб қолди: судья Г. Ёқубова ҳамда адвокат М. Қажомовлар унинг илтимосини қондиришга жонжаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Ҳатто, «Қандай қилиб бу аёлни 40 жуфт пайпоқ билан ушлагансиз?», «Бирлашма ҳудудига киришга ҳаққингиз борми ўзи?», «Уни қасдан ушлаган кўринасиз», «Мамажонованинг тақдири сизни қизиқтирмайдими?» каби саволларни қалаштириб ташлашдики, сал бўлмаса ўғри у ёқда қолиб, ўзим айбдор бўлаёзим.

Биринчидан, ишхонам бирлашма ичида, иккинчидан уни ушлашим қонуний бўлганки, терговчи мен тўпланган ҳужжатларга асосланиб жиноий иш қўзғатган. Мабодо Президент Авфи чиқмаганида, у жазодан қочиб қутулмасди. Қолаверса, у судга айбдор сифатида келиб ўтиргани йўқ-ку, қайтанга даъвогар бўлиб келди. Икки-уч ой ишламаган бўлса, мен айбдорми? Прокурорга югуравермасдан маъмурият тайинлаган жойда меҳнат қилсин эди! Ўша

қилмиши билан бирлашмада бошқа ташмачиларни қинғирлик йўлида руҳлантириб юборди-ку!

Тахминан беш-олти ой муқаддам ХДП Фаргона вилояти қўмитасининг котиби ўртоқ Исоқов бирлашмага келди ва мендан: «Фабрикада ўғирликлар кўпайиб кетяпти, сиз нима учун уларга қарши курашни кучайтирмайсиз?» — деб ўпка-гина қилди. Мен у кишига бу борадаги ишларимизга шаҳар суди баъзан нотўғри қарорлар чиқариб, тўсқинлик қилаётганини аниқ мисол билан исботлаб бердим. Бир пайтлар бирлашма раҳбарининг ўринбосари Олег Горбунов ҳамкорлигида 1 минг 500 сўмлик маҳсулотни яширинча олиб чиқиб кетаётган шахсни ушлаган эдик. Суд эса ўша ўғрини бир йилгача иш ҳақининг 15 фойзини чегириб қолиш билан жазолаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Бунинг билган билди, билмаган эса йўқ. Ўғри яна қорхонада ишлаб юраверди. Менимча, уни шу шарт билан ишчи кучи етишмаётган жойларда, қу-

ди. Кўрибсизки, милиция ходими икки томонлама бебурд бўлади. Биринчидан қанча асабузарликлар эвазига қилган иши, меҳнат ҳавога соғурилади. Иккинчидан ўша пайтда томошабин бўлганлар: «Милиционер фалончини ушлаган эди, бирор нарса ундирганки, яна қўйиб юборган», — деган миш-мишларни тарқатади. Миш-мишларга эса қонунларимизни яхши тушунайми деган фуқаролар лаққа ишонади. Кўрибсизки, милиционер «қипқизил порахўр»га айланиб қолади.

Ана шундай кўнгилсизликларга чек қўйиш, милиция ва халқ ўртасидаги ишончни тиклаш, милиция, суд ва прокуратура ўртасидаги айрим келишмовчиликларга барҳам бериш учун қонунларимизни такомиллаштиришимиз лозим. Токи у лой эмас, ҳамма учун бир хил темир мезонга айлانسин.

Раҳматулла СУВОНҚУЛОВ,
Қўқон шаҳар ИИБ участка вакили милиция катта лейтенанти.

ҲУРМАТЛИ РЎЗНОМАСЕВАРЛАРИ!

Ҳар бирингиз шохидсиз, шу кунгача «Постда» рўзномасини истак ва тақлифларингизга мослаб қизиқарли, халқчил қилиб чиқаришга, унинг ҳар бир сонига ИИБ тизимидаги ўткир муаммоларни дадил кўтаришга, илгор тажрибаларни оммалаштиришга қўлдан келганича интилиб келдик.

Аммо бугунги кунда бир нарса бизни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Тўғрироғи, Сизларга минг андиша билан мурожаат қилишга мажбуримиз. Рўзнома тайёр бўлиб, мухлислар қўлга етиб боргунча бўлган харажатлар — қоғоз, босмахона, ташвиш нархлари осмон-фалакка кўтарилиб кетди. Шу боис апрель ойидан бошлаб «Постда» ҳафтасига икки марта — сешанба ва жума кунлари чиқади. Нархи эса сотувда 1 сўм, обуначига 50 тийин қилиб қайта белгиланди. Ҳисоб-китоблар 1992 йил обуна кириши апрель ойида буткул сарфлаб бўлинишини кўрсатяпти. Сиз обуначилар тўлаган пулни 10 апрелда тугайди. Агар кейин ҳам рўзномани ўқиб боришни истасангиз, қайтадан ёзилишга шойилинг. Обуна нархи: уч ойга 12 сўм, олти ойга 24 сўм.

Обуна рақами 64615.

Ишонамизки мухлисларимиз ночорликдан қилинган бу ўзгаришлардан кейин ҳам рўзномага бўлган муносабатларини ўзгартирмайдилар.

ПЎРИМ КИЙИНМОҚЧИЙДИ...

«Одамда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, кийими ҳам, қалби ҳам...»

Красногвардейск шаҳрида яшовчи 18 ёшли Равшан С. бу гапни ким айтганини эслолмайдию аммо мағзини яхшилаб чақиб олган. Қоронғу кечада Бухоро темир йўл бўлинимасига қарашли ишчилар таъминоти бўлими 15-дўконига ўғриликка тушди. Хорижда ишланган 5 жуфт крассовка, битта спорт кийими, 4 жуфт эркаклар ва 2 жуфт аёллар оёқ кийимини орқалади. Айни пайтда керакли тошнинг оғири йўқ, деган нақл эсига келиб, 10 минг 100 сўмлик купонини ҳам кисасига солиб олди.

Вулунгур тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими милиционери У. Шулувродов дўконнинг орқа деворидаги туйнукни кўриб қолди ва ЖК ходимлари билан ҳамкорликда қидирув ишларини бошлаб юборди.

Юқорида қайд этилган, аммо Равшан аллақачон кийиб олган кийимлар қайтадан ечиб олинди. Уларнинг умумий нархи 12 минг 731 сўм экан.

Элшод РАҲМАТОВ,
милиция майори.



МИНГБУЛОҚДА БИР КУН

Наманган вилоятининг Наманган туманидаги Рамжон Турсунов номли жамоа ҳужалиги ҳудудда қора олтин — нефть мана қарийб бир ойдириш отилиб турибди. Мингбулоқликларнинг қувончи чексиз. Ер тагидаги нефтининг босими 1200, устидагиси-

ники эса 200 атмосферани ташкил этади.

Қора олтиннинг қайноқлиги юз градусдан ортиқ. Жумҳурият ИИБ зудлик билан ана шу жойда штаб ташкил этди. Вилоят ИИБ ходимлари билан чоратрофини ўраш чоралари кўрилди.

Патруллик хизмати, ДАНБ ходимлари, ўт ўчирувчилар ва офицерлардан 400 га яқин киши тартиб ва осойишталик ўрнатиш, олов хавфи олдини олиш ишига сафарбар этилган, 25 та ўт ўчириш машинаси шай турибди. Ҳар кун чикади-

ган нефть 15 минг тоннадан зиёд.

СУРАТЛАРДА: Мингбулоқдаги нефть отилиб турган жойда ўз хизматини олиб бораётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳаётидан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

«Постда» рўзномаси қайта нашр қилина бошладик, жамоатчи мухбир сифатида ҳаракатимни кучайтириб юбордим. Бу мажбурият туйғайли эмас, қизиқшдан. Доимо ўзим яхши билган, кўпчилик ҳурматиға сазовор бўлган кишилар ҳақида ёзсам дейман. Уларнинг олижаноблигини ҳамма ўқисабилса дейман. Аммо қанчалик ҳурмат қилмай, Дилором ҳақида ёзишим жуда ҳам оғир кечди.

Ҳозир кундалик матбуотда мумкин қадар аёлларнинг иш вақтини камайтириб, иложи борида оиласига қайтариш керак, деган мулоҳазалар олдинга сурилган. Шунда фарзандларимиз энг аввало соғлом, ақлли-хушли, тарбияли бўлиб вояга етадилар. Шундагина тобора ўсиб бораётган жиноятчилик ривожланишдан тўхтади ва бора-бора йўқ бўлади. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу фикрларда жон бор.

Ана шу нуқтаи-назардан келиб чиққанда, аёлларнинг милицияда ишлаши қандай бўларкин? Тўғриси айтганда, ички ишлар идораларида елкасидаги юлдузли поғони кўзини қамаштирган аёлларни кўп учратамиз.

Уларнинг орасида лейтенант, капитан, майор, ҳатто полковниклар ҳам бор. Четдан қараганда, ўзларига топширилган ишни бинойидек уддалашяпти. Аммо улар ҳақида ташқаридаги гап-сўзларни ҳам эшитиб кўринг-а! Истайсизми-йўқми, кўпчилик милицияда аёлларнинг ишлашига қарши. Аёл киши милиционер, турмуш ўртоғи оддий фуқаро бўлса, ўша эрининг шўри дейишади. Гўёки хотин эрини менсимай кўяриши. Қолаверса, аёл кишига энг юқори унвонни бериб қўйсангиз ҳам, аёллигича қолади. Ҳеч қачон жисмоний жиҳатдан эркаклар билан тенглашолмайди. Ҳаттоки бирор жиноятчидан ўзгаларни эмас, ўзини ҳам ҳимоя

қила олмайди. Бу ҳам бошқаларнинг фикри. Ва ниҳоят, аёл киши милицияда ишласа, болаларига бошқа оналардек меҳрини бағишлай олмайди. Негаки бу соҳада иш вақти чегараланмаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Дилором ҳақида ёзаман, дейману ана шу фикрлар тўғроқ бўлади.

Рўзномамизнинг шу йил 9 январь сониде «Умидли дунё» сарлавҳали мақолани ўқидиму, аниқ қарорга келдим. Энди фикрим тиниқ. Ҳамма соҳанинг ўз қобилиятли кишилари бўлади. Худди шунингдек милициянинг ҳам. Қобилият нима? Муайян бир касбга қизиқиш, садоқат ва маҳорат, қолаверса, билим ва тажриба. Аёл киши бўлсада, бизнинг Дилоромда ана шу хусусиятларнинг ҳаммаси бор: Бу унинг хизмат фаолияти даврида бир неча марта бошқаларнинг кўз ўнгиде синовдан ўтган.

Уни ёшлигидан танийман. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида ҳам ички ишлар фаолиятига жуда қизиқарди. Милиционерлар ҳақида ёзилган китоблар бўлса, бир кечанинг ўзидаёқ ўқиб қўяр, тунни билан мутулаа қилиб

чиқар, эртаси кунни уйқусизликдан кўзлари қизариб дарсга келарди. Тартиб побонлари хизматига бағишланган кинофильмлар бўлса, ҳар қандай юмушни қолдириб бўлсада, томоша қилишга ошқарди.

Ўрта мактабда ўқиб юрганда, ундаги бу қизиқишни бошқалар ўткинчи бир ҳавас, каттароқ бўлганда тумандек тарқаб кетади, деб гапиришарди. Аммо бундай бўлмади. Етуқлик аттестати қўлига тегиши билан Риштон тумани ИИБ паспорт столига ишга кирди.

Қишлоқ шароити ҳеч кимга сир эмас. Қиз боланинг эркаклар ишини бажариши кўпчилик учун эриш туюлар, баъзилар бундай қизларни келин қилишга оғ ҳам қиларди. Буни Дилоромнинг ота-онаси, туғишганлари билмасди, дейсизми? Билшарди, бу томони менга қоронғу, ҳар ҳолда уни танлаган йўлидан қайтаришга уринганлар ҳам бўлгандир, ҳойнаҳой. Лекин ҳаммаси бекор кетгани аниқ. Дилором ишдан ажралмаган ҳолда Қўқондаги муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи тарих куллиятига ўқишга кирди.

Авалло пешонаси ярқираган қиз экан. Ўзига муносиб йигитнинг ёри бўлди. Ҳозир уч нафар фарзандлари бор. Ишхонасида эса кўпчиликдан фарқли ўлароқ ҳурмат-этибор қозонган. Дилором Назирова паспорт столида катта инспектор бўлиб ишляпти, унвони милиция капитани.

Ҳозирги шароитда баъзи аёлларимиз, уларни камситиш фикридан йироқман, битта рўзгор ташвишларидан нолийдилар. Бизнинг Дилором эса ҳаммасига улгуради. Бундан ортиб, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У Риштон шаҳар Кенгаши ноиби сифатида сайловчилари ишончини оқлаб келмоқда.

Ҳа, умидли дунёда ҳаракат қилгани яратганининг ўзи умидсиз қолдирмас экан.

Эминжон ОБИДОВ.
Суратда: милиция капитани Дилором Назирова.

НАТИЖАСИ ЯХШИ БЎЛМОҚДА

Урганч шаҳар ИИБ ходимлари янги ташаббус билан чиқишди ва бунинг натижаси ўлароқ майда ўғриликлар, жиноятчилик бирмунча камайди.

Авал 4-даҳада уч смедали милиция пости ташкил қилинди. Барча шаронларга эга бўлган уй-вагонча ўрнатилди. Бу ердаги битта милиционер ён-атрофни кузатиб туради, қолган икки ходим эса шу атрофдаги ўзларига бирктилган уйлари айланиб юришади. Агар бирор бир воқеа рўй бериб қолса, рақия орқали вагончадаги милиционерга хабар қилишади, у эса ИИБ билан боғланади. Қарабсизки, масала бир зумда ҳал.

Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Пост ташкил қилинганига икки ойдан ошаётган бўлса, шу вақт мобайнида

ҳали бирорта ўғрилик содир этилмади бу ерда. Муқаддам эса, уй ертўлаларидан фуқароларнинг ёғ, қанд, уйлари, хонадонларда эса қимматбаҳо буюмлари мунтазам ўғриланиб турилган. Пост ходимлари томонидан ўтган вақт давомида тўрт нафар шахс наркотик модда билан қўлга олинди. Тергов кетяпти.

Иқтисодий муаммолар милицияни ҳам четлаб ўтмаганлиги сабабли ҳозирча бундай пост битта — фақат шу. Яна етти ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда. Шаҳар раҳбарлари ҳам бевосита ёрдам кўрсатишмоқда.

Бундан жамоатчилик ҳам мамнун. Айниқса, шу маҳалла қўмитасининг раиси Отабой Матниёзов хизматдаги милиционерларга шарт-шаронлар яратиб бериш учун елиб-югурмоқда. У кишининг ўзлари ҳам тез-тез уч-тўрт соатлаб ходимларга қўшилиб, ҳудудни айланиб юради.

Қолган жойларда ҳозирча фуқаролар, ўз ҳисобларидан соқчилар тайинламоқдалар. Бу ҳам яхши натижа бермоқда. Қаерда шундай пост ташкил қилинган бўлса, ўша ерда ўғрилик содир этилмаяпти.

С. БОБОЕВ.
СУРАТЛАРДА: хизмат пайтидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.



СЎЗ КЕТИДАН СЎЗ КЕЛУР

БУ ҚАНДАЙ КЎРГУЛИК?

эмас, фарзанд ўғрилаш бўлсал

Ҳой, инсон, сенда ҳам юрак, аёллик қалби, виждон бордир?! Йўқотмагандирсан бир умрга?! Не азобда туғиб, тарбиялаган она учун, жонини ҳам йўлига тиккан ота

учун фарзанд доғи, ҳижрон азобиға чидаш осонми?! Сен ҳам инсонсан, сени ҳам она туққан-ку! Юрак ҳам шунчалик тош бўладими?

Ойнинг ўн беши ёруғ. Умиданинг топилишига ишонаман. Илоҳим, Салимага ўхшаганлар

умрбод лаънатга учрасин! Икки дунё роҳат кўрмасин! Ҳурматли муҳарририят! Мабодо Умида ҳақида ота-оналари бирор маълумотга эга бўлиб қолсалар, илтимос, рўзнома орқали хабар қилинлар. Зора менинг ҳам жижғанак бўлган юрагим малҳам топса.

Дилзода ШЕРМАТОВА,
Ёзёвон тумани.

БИРОВГА ЗАРАР ЕТМАСИН

Ҳозирги кунда ким билан гаплашманг, бензин нархининг ошганлигидан нолийди. Аммо ёнилғи 20, 40 тийин, ҳатто 2 сўм бўлганда ҳам, уловларини қантариб, жамоат транспортида юришганини кўрмаганман. Шахсий автомашиналар сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда.

Кейинги беш йил ичида Советобод шаҳри ҳудудида 78 та автохалокат рўй берган. Унда 27 киши ҳаётдан барвақт кўз юмиб, 85 киши турли тан жароҳатлари олган.

Ўтган йили бундай кўнгилсиз ҳодисалар сони бир мунча камайган. Бироқ 6 минг 589 қоидабузар, шу жумладан маст ҳолда рулга ўтирган 33 киши ДАН ходимлари томонидан аниқланган.

Юқоридаги каби бахтсизликларнинг олдини олиш мақсадида ДАН ходимлари А. Тожиаматов, А. Ҳакимов, В. Носиров, Қ. Мамажоновлар автокорхоналарда, маҳаллий радиога тез-тез суҳбатлар ўтказиб турибдилар.

Бугунги кунимизни автомобилларсиз тасаввур этиш қийин. Лекин уни шундай бошқариш керакин, ўзи ҳам, ўзга ҳам азият чекмасин.

М. МАМАЖОНОВ.

«Постда»нинг 13 февраль сониде «Ишонаман, Умидам тирик!» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Ҳеч қачон бунчалик йўғламагандим. Не қилайлик, шу замин устида яхшилар билан бирга разиллар, одам қиёфасидаги махлуқлар ҳам бор. Мен бунга яна бир қарра ишондим. Ахир, бу қандай кўргуликки, аёллар жиноятга қўл уршсал! Жиноят бўлганда ҳам, мол-мулк ўғрилаш

Хонадонда тўй. Ёш келин-куёвларга бахт тиламаган меҳмон қолмади ҳисоб. Тилаклар дарёси гўёки икки ёшга фаровон турмушни нақд қилиб қўйгандек эди.

Бироқ орадан ўн беш кун ҳам ўтар-ўтмас келиннинг тили чиқиб, жанжал кўтарадиган бўлди. Турдиали хотинининг дийдиёсидан озгина узоқлашиш ниятида ишга чиқиб кетди. Аммо бу Жаннатхоннинг баттар тилини қайради. Уртада тутилган фарзанд ҳам бесабаб жанжалларга тўғаноқ бўлолмади.

Ниҳоят ажралишга қарор қилишди. Жаннатхон қўлига тушган нарсани кўтардию номалум томонга жўнади.

Турдиали жонининг эғовидан қутулганига шўкр қилиб, енгил нафас олди. Гарчи ичидан гўдагига ачинсада, иложи йўқлигидан олиб қолмади.

Жаннатхоннинг эса ажрашиб ҳам алами босилмади. Назарида эрида кўп ҳақи қолгандай туюлаверарди.

Тез орада бир йигит билан танишди. Илгари икки марта ўтириб чиққан Акбар аёлга уйланмоқчи эканлигини айтди. Бу гаплардан сўнг Жаннатхон унга парвона бўлишни янада

кучайтирди.

Акбарнинг тўпори гапларини мардикка йўйган аёл фарзанди тақдирини ҳам унутганди. Хуштори эса оғиз кўпиртириб, панжара ортида кўрган-кечирганларини мадҳ этишдан ҳоримас, беш кунлик дунёда айш суриб қолишни уқтиргани уқтирганди.

Бу хом-хатала хаёллар

НАФСИ БУЗУҚ ОШИҚЛАР

Жаннатхоннинг табиатиға жуда мос бўлиб, икковининг ўй-фикри деярли бир қолипда эди. Лекин айш-ишратни қуруқ чўнтак ҳисобига суриб бўлмасди. Шунда аёлнинг миёсига ялт этиб фикр келди. Олдинги эрининг уйида нимаси бору, нимаси йўқлигини беш кўндай билади. Қайси буюмининг қаерда туришини кўзини боғлаб қўйсанг топади. Нега шундай имкониятни назардан қочириши керак?

Фикрини хуштори Акбарга етказганида, байрам бўлиб

кетди. Уйга аёлнинг ўзи бошлаб борадиган, тинтувни ўзи амалга оширадиган бўлди. Акбар бу ишга ўзига ўхшаб ғирт бекорчи юрган яна икки ошнасини қўшди. Улар келишилган кунни пичоқ ва лезвиялар билан қуролланиб йўлга тушдилар.

Уринда ухлаб ётган Турдиали дарвозанинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб уйғонди.

«Тунда келган ким бўлди экан-а», — деганича ҳовлига чиқди. Дарвоза тирқишидан қараса, собиқ хотини Жаннатхон: «Очинг», — дея имо қилиб турибди. У эшик зулфини тушириши биланоқ йигитлар уни ўртага олишди.

Улардан бири Турдиалининг юзига пичоқ тиради.

— Мана бу йигитни кўряпсанми? Ўтириб чиққан. Гиринг десанг, баҳрингдан ўтиб кўяди. Унга ё дори топиб берасан, ё пул.

Илжайганича кузатиб турган Жаннатхон иш у ўйла-

гандан ҳам силлиқроқ кетаётганига ишончи комил бўлган, секингина Акбарнинг қўлтиғидан олди. Биргалашиб уй ичига киришди.

Турдиалининг бўғзига пичоқ тираб турган йигитча унинг қўлидаги никоҳ узугини ҳам бегона қилмади.

Ошиқ-маъшуқлар 2 донатилла узук, бир килограмм хинд чойи, 20 донатир соавун, 36 сўмлик чинни чойнак, уч қўти лезвия, кўк туфлини қўлга киритишди. Чиқиб кетишаркан, жабрланувчиға таъинлашди:

— Биз эртага келамиз. Ё доридан, ё пулдан топиб қўямасан, сўйиб ташлаймиз.

Бироқ Турдиали ўзини бир гуруҳ жиноятчиларга сўйдириб ўтирадиган кўрқоқлардан эмасди. У дарҳол Ленин тумани ИИБга хабар берди.

Милиция ходимлари Жаннатхон бошлиқ ушбу гуруҳни қўлга олди. Тергов вақтида ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига бўлган муҳаббатлари совуннинг кўпигидай ёрилиб кетди.

Сууда қатнашиб, жиноятчиларнинг қонуний жазо олган-натхондан қутулганига ҳалларини кўрган Турдиали Жанмон ишонмаяпти.

Нур БАДИЯ.

МОТОЦИКЛ МАШМАШАЛАРИ

Болат Эллиқалъа туманида электрик бўлиб ишларди. Бир куни уни шайтон йўлдан урди (ёки у шайтонни йўлдан урди). Маст ҳолда «Навой» давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Авез уйига меҳмонга келган Яхшиматнинг мотоциклини ўғрилаб кетди. Арзон шўрва татимгани-ку майли, бепули бошга бало ҳам бўларкан. Мотоцикл бировники бўлса-да, устидан ўзи эканини унутиб, катта тезликда кетаётган Болат йўл четига зовурга ағнаб кетди.

* * *

Бўстон шаҳрилик Марат эсли, ҳушли бўлса-да, Болатчалик эмас экан. Йўл четига турган «Восход» белгили мотоциклини миниб, энди йўлга тушган эди ҳамки, эгаси Ойбек тутиб олди.

* * *

Хива шаҳар ИИБга Султоннинг «Минск» белгили мотоцикли йўқолгани хусусида хабар тушди. Тез орада ўғри ҳам қўлга олинди. Лекин мотоцикл қайтмади. Игорь уни «бели оғримаганининг нон ейишини кўр» қабилида бўлиб-бўлиб сотиб юборган экан.

Саъдулла БОБО.

Усмон Юсупов номидаги 33-давлат хўжалигининг директори Амир Тўраев даб-дурустан пайдо бўлган тафтишчилар қаршисида анча саросималаниб қолди. Ахир, нақ пойтахтдан келишган-а? Бири ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятчилик билан кураш бўлими бошлиғи милиция полковниги! Иккинчиси эса Ўзбекистон телерадиосининг атоқли мухбири!

Давлат хўжалиги директори тафтишчилар билан илиқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилди. Чунки беайб парвардигор, дейдилар. Хўжаликдаги убу камчиликларни дўмбира қилиб уялтиришмасин-да, тагин. Аммо ҳурматли меҳмонларнинг тумшуги осмон искар, атрофда гирдиқалпақ бўлаётган ёшулли директорга беписандлик кўрсатишар эди. Устига устак нафс ўпқонла-

рини ҳам бемалол очиб юборишди. Қуюқ зиёфат устида хўжалик раҳбаридан ўн минг сўм талаб қилишди! Лекин уларнинг ошқора савдоси Амир Тўраев ва бошқа бир қанча мезбонларда шубҳа уйғотмай қолмади.

— Милиция чақиртириш керак, — деди бош ҳисобчи

дан ҳам нуфузли идора ходимлари бўлиб чиқса, уятдан ер чизиб қолишлари мумкин. Аммо шамол турмаси, дарахт шохи қимирламайди, деган халқ ҳикмати бежиз айтилмаган экан. Аввалига обдон кузатилиб, сўнгга қўлга олинган тафтишчилар устаси-

ғиман, — деб ўзини таништириб юрган. Ёнидаги аввал тўрт марта судланган шеригининг ҳам ҳамма «ҳашаматли» ҳужжатлари сохта бўлиб қолди.

Улар қўлга тушганларига қадар жуда кўп раҳбар ходимларни, жумладан, олий ўқув юрти ўқитувчиларини қўлбола ҳужжат ва унвонлари билан қўрқитиб, ошқора талашган экан. Бироқ бу устомонлар таваккалчи эмасдилар. Дуч келган тешикка тумшук тиқаверишмасди. Балки бирон бир нашрда танқид қилинган хўжалик раҳбарининг эшитгани тақиллатишарди.

Кўза кунда эмас, кунда синади, деган нақл бор халқимизда. Фирибгарларни кутиб турган қора курси худди шу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Оқ БҮРИ.



Навбатчилик қисмида туну кун иш қайнайди. Ахир, ҳар бир жиноят, қонунбузарлик авваламбор шуларга маълум бўлади-да. Ҳамза тумани ИИБ навбатчиси Келес Жанабоев ҳам неча-неча беором тунларни бошдан кечирмаган дейсиз.

СУРАТДА: милиция подполковниги Элхон Гажиёв навбатчи милиция капитани К. Жанабоевга топшириқ бермоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЭСИЗ УМР...

Ринат ўғрилиқ қилиб бир йилга кесилганда, ўн тўққиз ёшда эди. Жазо муддатини ўтаб қайтди-ю, жиноятга қўл уриб, бир йилга қамалди. Олмаликдаги ахлоқ тузатиш муассасасида ҳулқини ўнглаб юрганида, яна эгриликка жазм этди. Сирғали туманида (қандай қилиб келиб қолган!) тақс тўхтатиб, ҳайдовчиға тазйиқ ўтказиб, 46 сўм пулини шилиб олгани учун яна кесилди. Йигирма ёшида гулдек умрини хазон қилди.

1990 йилда озодликка чиққан Ринат ота-онаси яшаётган, ўзи ўсиб улғайган Оқтош шаҳрига йўл олди. Гарчи бу ерда унга ҳеч кимнинг кўзи учмасада, қўни-қўшни, ёр-биродарлар яхши қаршиладилар. Бир ҳафта ўтмаёқ ҳамма уни унутди. Ўзи билан ўзи қолган Ринат аввалига ишга кирмоқчи, бу ёғига одамлар сингари яшамоқчи бўлди. Иш қилди. Уч ой. Эҳтимол ишга кирганида, кейинги жиноятларини қилармиди, йўқамиди! Ҳеч қаерга жолашолмай хуноби ошган Ринат кунни сандирақлаб кеч қилишга одатланди. Яшаш эса керак.

Бир куни Нарпай туманидаги Мирбозор ёнида эгасиз қолган «Москвич» уловини кўз остида олиб қўйди. Эгасининг ҳали-вери чиқмаслигига ишонган, уни ҳайдаб олиб қочди. Машина қисмларга бўлиниб, сотиб юборилди. Қўли анча-мунча пулни кўрган Ринат дадиллашди.

Кўп ўтмай мотоцикл ўғрилади. Уни одамларнинг кўздан четроққа—тоққа олиб бориб сотди. Эҳтиёт қисмларнинг бозори қаққонлиги Ринатнинг иштаҳасини очиб юборди. Мотоциклни тинчитган, автомашина баллонларини ўмаришга киришди. Бироқ бу жуда қалтис туюлди, ҳар ҳолда хонадонларни «тозалаш»га ўтди.

Утган йилнинг декабрь охирида баллондан ошиб ўтиб, фуқаро Латифнинг уйига тушди. Лекин қўни-қўшнларнинг зийраклиги туфайли нияти амалга ошмади.

Жиноят устида қўлга олинган Ринатни Нарпай тумани ИИБ ходимлари бўлимга келтиришди. Уни тинтув қилинганда, унга тегишли наркотик моддалар, ишлатишга тайёрланган шприцлар топилди.

Терговда фуқаро Йўлдошев хонадондан 800 сўмлик буюмлар ўмаргани ҳам маълум бўлди.

Умрининг ўн беш йилни тутқунликда ўтказган Ринат Кониев учун ҳалол йўл билан тирикчилик қилиш, наҳотки бировларни зор қақшатиб, қарғишга қолиб, ўғрилиқ қилишдан машаққатлироқ бўлсал!

М. ИСРОИЛОВА.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Касбнинг яхшию ёмони бўлмайди, деган сўзни жуда кўп эшитамиз. Ҳар бир қунар, ҳар бир касб кишига энгиллик, завқ ато этсагина ардоқли бўлади.

Мен тилга олмоқчи бўлган касб — милиционерлиқнинг машаққатлари ўзига яраша. Чунки фақат формани эғнига илиб олиб: «Кўрпсанми, мен милиционерман, мендан кўрқиниш керак. Айтганларимни сўзсиз бажар», — дейдиган замонлар ўтиб кетди. Ҳақиқий милиционер том маънода халқ ҳимоячиси.

Мен эътиқод қўйган касбим ҳақида фикрларимни о ўртоқлашмоқчиман. Мана ички ишлар бўлимида хизмат қилаётганимга йигирма йил бўлиб қолибди. Шу давр ичида халқ осойишталигини сақлаш ишига озми-кўпми ҳисса қўшдим. Меҳнат фаолиятимни оддий милиционерликдан бошлаган бўлсам, ҳозир бўлим бошлиғи ўринбосариман. Сид-қидилдан хизматинг мевасини, албатта, тотиб кўрасан экан. Яна мени бошлиқ ўринбосарлигига тайинлашгани учун мактааётимди, деб ўйламанг. Буларнинг ҳаммасига юқорида айтиб ўтганимдай, тинимсиз меҳнат туфайли эришдим. Бўлимимизда астойдил хизматлари эвазига ҳурмат-эътибор топган мен каби милиционерлар талайгина.

Ички ишлар бўлимида иш бошлаган дастлабки йилларимни жуда яхши биламан. Бунгача туман босмахонасида, рўзномасида ишлаганман. Кейин мактабда. Шунинг учун аввал менинг лаёқатимни баҳолашга етмаганлар билан ишлаш бўлимимизга лозим топилди. Болалар билан ишлаш анча оғир. Уларнинг қалбига йўл топа билиш керак. Бу борада менга тажрибали ходимлардан бири милиция майори Турсунбой ака Дадажонов яқиндан ёрдам берди.

Кўпинча ўйлаиб қоламан, мана қайта қуриш, ошқоралик, ҳурфикрлик дедик. Шуларга амал қилиш ниятида дастурлар туздик. Ҳуқуқий давлатни вужудга келтирамиз, дедик. ССЖИ парчаланиб кетганича бу гаплар минбарлардан туриб баралла айтилди, оммавий ахборот воситаларда қатор материаллар чоп этилди. Энди эса бу тўғрида деярли ҳеч нарса эшитмайсан, кўрмайсан ҳам.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Демак марказнинг йўл-йўриқ, кўрсатмалари асосида кун кўришга барҳам берилди. Ҳар қандай муаммоларни ўзимиз ҳал этишимиз керак. Шундан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, милиция зиммасига жуда катта масъулият юкланди. Энди у қандай иш тутиши керак? Фаолиятининг марказига нима қўйилади?

Ҳозир турли жиноятлар дасидан кўпчилик азият чекаётганлиги ҳақидаги ташвишли хабарларни ҳар қадамда эшитамиз. Нега шундай? Ҳозирги иқтисодий қийинчи-

ликлар сабаб бўлса керак бундай кўринишларга дегувчилар ҳам бор. Бу бир томондан тўғри. Иккинчи томондан олиб қарасак, бошқача манзарани ҳам кўриш мумкин.

Мана, ислом дини таъсири кучли бўлган Яқий Шарқни, Осиё мамлакатларини олиб кўрайлик. Уларда жиноятчиларга нисбатан кескин чоралар қўлланади. Ўғрилар, фирибгарлар, гиёҳвандлар, талончилар ҳатто олий жазога тортиладилар. Халқнинг кўзи олдида уларга қилмишларига яраша жазо берилади. Айтмоқчиманки, бундай давлатларда қонун ҳаммага баравар.

Агар бизда ҳам шундай бўлганда эди, юқорида айтиб ўтганимдай, кишиларни ташвишлантираётган турли жиноятлар салмоғи нихоятда пасаярди.

БАҲСА ЧОРЛАЙМИЗ

Дин кишининг онгини заҳарлайди, деб жар солдик. Шу тариқа одамларни имон, эътиқод, диннат каби ҳислатлардан маҳрум этдик. Ҳамма ўз билганини қиладиган бўлиб қолди. Қанчадан-қанча жиноятлар очилмай ётибди. Жазосизлик эса турли кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқаради. Аслида: «Дин-афюн», — деганида Карл Маркс дин одамларни тинчлантирувчи куч ва восита, деган фикрни олға сурган-ку.

Айтайлик бирор кимса қалтис йўл оstonасида турибди. Унга: «Хўдодан кўрк. Бу қилмишинг учун Худонинг қаҳрига учрайсан», — дейилган. Ана шунда одамлар нопок ишлардан ўзларини тийганлар, жиноятчилик ботқоғига ботмаганлар.

Бу борада аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишлари олиб бориш керак. Одоб, ахлоқ, маънавият, эътиқод, инсоф, диннат ҳақида ҳадисларда айтилганлари нечоғлик тўғри йўл кўрсатишини тушунтира олиш лозим. Кўпчилик милиция ходимлари учун корхона ва ташкилотларда, мактаблар ва муассасаларда бундай ташвиқот юргизиш эриш туюлади. Демокчиманки, жиноят содир этилган, унинг сабаблари ва айбдорларни аниқлаш учун туну кун чопилади. Яхшиси, олдини олган маъқул. Бунинг учун милиционер ҳақиқий билимдон ва нотик бўлиши даркор. У ўз қарашларини бошқаларга етказолсагина, уни тинглайдиганлар ва йўриғига юрадиганлар кўпаяди.

Демак, яхши сўз жон озиғи, деган нақлга амал қилиш керак. Мен ҳар бир одам билан тўғри, ҳаққоний муомалада бўлишга интиламан. Чунки дуч келган киши қиёфасида ашаддий муттаҳамни кўриш адолатдан эмас. Агар жиноятчи бўлса, бунга нима мажбурлаганини ўрганамак. Жамоат тартибини бузиш, безорилик, ўғрилиқ ёмон оқибатларга олиб келишини тушунираман.

Қўлимга қалам тутишга мажбур қилган нарсаси халқ осойишталигини сақлаш, жиноятчилик олдини олиш борасида тажрибалар билан ўртоқлашишдир. Бунинг учун рўзномада милиционерлар учун «Менинг тажриба мактабим» деган руқн очиб керак, деб ўйламан. Унда жумҳуриятимизнинг ҳар бир туманида хизмат қиладиган милиция ходимларининг ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашдаги ютуқлари кенг ёритиб борилса. Ҳар бир милиция ходими жиноят содир этилмаслиги учун, яъни унинг олдини олиш учун қандай иш кўради, ўзи қўллаётган усуллар ҳақида ўртоқлашиб турса, фойдадан холи бўлмасди.

Ҳозирги кунда: «Милиция қандай бўлиши керак?» — деган савол кўндаланг турибди. Фарғона, Қўқон, Ўзган, Бўка, Паркент воқеаларини ҳеч ким унутгани йўқ. Шу йил 16-17 январь кунлари Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалардан кейин милиция шаънига айтилаётган гаплар биз, ички ишлар ходимларини чуқур мулоҳаза юритишга мажбурлаш керак. Турли миш-мишларни тарқатиш, юзага келган кўнгилсиз воқеаларнинг сабабларини милиция зиммасига юклаш сингари иллатлар халқнинг бизга нисбатан ишончини йўқотмоқда.

«Милиция қандай бўлиши керак?» — деган саволга жавоб берад эканман, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтай. Ички ишларга кимнингдир кўрсатмаси ёки ҳомийлигига таяниб қолган кишилар керак эмас. Улар халқ манфаатини ҳимоя қилиш эмас, ўз тинчлини ўйлайдилар, амал поғоналаридан осонгина юқорига кўтарилишни кўзлайдилар. Фаолиятимизда бир пайлар ана шундай кўринишларга йўл қўйилганлиги салбий таъсир кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам юқори лавозимга тавсия этишда, унвонини кўтаришда ўз худудини беш қўлда билладиган, одамлар кайфиятини, қизиқишини яхши англай оладиган, тажрибали милиционерларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Милиционер халқнинг кўзига ола кўринмаслиги, халқнинг осойишталигини бузаётган ҳар қандай жиноятчи билан кескин курашиши керак. Бундан ташқари қонунларимиз ҳам кучли бўлиши даркор.

Улар кучли бўлса, милиция ходимлари шу асосда қатъият билан иш тутишса, халқ уларга ишонади. Қўлидан келганича кўмаклашади. Ҳар бир милиция ходими, ҳар бир муштарий мустақил жумҳуриятимиз тинчлиги, осойишталигини кўриқлайдиган милиционернинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришини жуда истардим.

Анваржон ЗОКИРОВ, Андижон вилоятидаги Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари.

ҚАШҚАДАРЕ

Баҳорий уйғониш, пок-ланиш, улғайиш — улуғ Наврўзимизнинг юртимизга ташрифидан далолат. Ўзбекистоннинг чекка воҳаларидан бири — Қарши шаҳрида ҳам бугунги дийдорлашиб турган кунларимиз ардоқда.

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтмасам бўлмас. Ўтган 72 йил мобайнида Қарши шаҳар ички ишлар бўлимида Наврўз нишонланган эмас. Нишонланган бўлсада, ҳаминқадар, расман. Бу йил-чи? Тамом акси. Ўрнатилган дошқозонларда сумалак қайнади, ёрма оши пиширилади. Ўйин-кулги, хушхандонлик, хушчақчақлик. Доим у ёки бу ташвиш нигоҳида қотган ички ишлар ходимларининг лабиди самимий табассум. Нафақадорликка чиққан собиқ милиционерлар дастурхон тўридан жой олдилар.

Келаркан-ку! Келаркан-

ку, шундай дамлар. Ўтган кунларимизга ачинмоқчи эмас-ман, йўқ. Айтмоқчиманки, эътиқодимиз собит экан, ўлмаган, ўлдириша олмаган экан.

Ушбу тантанани ўтказишда бош-қош бўлган шаҳар ИИБ бошлиғи Нейматжон Амиркуловга ва унинг ўринбосари Зиётхон Убайдуллаевга милиция фахрийлари номидан чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Шариф ТўРАҚУЛОВ,
истеъфодаги милиция майори.

ФАРҒОНА

Вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам Наврўз номига мос қилиб ўтказилди. Байрам дастурхони атрофига 150 дан ортиқ ходим ва ходималаримиз тўпла-

нишди. Бу рақам яна ҳам кўпайиши мумкин эди. Начора, хизматчилик, ходимларимизнинг кўпчилиги, вазириимиз ўз табрик сўзида айтганларидек, озоишталикни сақлаш учун хизматда бўлишди.

Биз «иқтисодий қийинчилик» деган иборани Наврўз кунлари тилга олмадик, аниқроғи олишни ис-тамадик. Дастурхонимиз ўзбекона, тўкин безатилди. Йиғилганларни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Имомали Мирсоатов янги йилнинг биринчи куни билан қутлади.

Ушбу кун милиция генерал-майори Салим Собиров учун ўзгача аҳамиятли эди. Бир пайтлар у Фарғонада ва Хоразмда хизмат қилганди. Аммо гдлянчи-

лар тўфони уни ҳам ўз домига тортиб кетди. Адолат бор экан, мана, азиз меҳмон сифатида шодлигимизга шерик бўлди.

Байрамга Деҳқонбобо ва Баҳорой ўзгача шуқуқ бахш этдилар. Улар «тўрт фасл» ва «ўн икки ой»и билан карнай-сурнай садолари остида даврага кириб келишди. Наврўз удумига кўра ўз топшириқларини ИИБ раҳбариятига шеър-рий ҳазил билан баён қи-ляшди. Улардан бирини келтириб ўтишни лозим топдим. ЖҚБ ва 6-бўлим бошлиқларига қуйдагича топшириқ берилди:

Рекэтчилар чиқди бугун
гала-гала,
Олиб қочар гоҳ машина,
гоҳо бола.
Уруғлади ўғрилар ҳам,
қотиллар ҳам,

Ярамаслар, маразлар ҳам,
жоҳиллар ҳам,

Улар билан сиз курашиб,
толманг деймиз!

Ўзингиз ҳам қўлга тушиб
қолманг деймиз...

Байрамни Бувайда ту-мани ИИБ «Посбон» ансамбли, Қува тумани карнайчилари, корейс маданият маркази вакиллари, Аввал маиший хизмат кўрсатиш техникумининг бадиний ҳаваскорлари, аскиячи Мансур Охунов куй-қўшиқ, рақс ва сахна кўри-нишлари билан безадилар.

Ушбу тадбирни ўтказишда шоир Баҳодир Исонинг хизмати катта бўлди.

Муҳаммадрасул
КИМСАНБОЕВ.



Ўзбекистон пойтахтининг муҳтарам меҳмонлари! Тошкент мустақил давлатнинг пойтахтига айланиб, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар диққатини ўзига тортмоқда.

Ташриф буюрганларга қулай хизмат кўрсатиш, уларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни «Лабзак» меҳмонхонаси ҳал қилади.

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! «Лабзак» меҳмонхонаси биноси Усмон Юсупов ва Хуршид кўчалари кесишган чорраҳа ёнида қад кўтарган.

8, 14-йўналишли такси, 10-троллейбус, 44, 48 тез-юрар, 97, 162, 18-автобуслар, 19, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати.



Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими—59-26-56, 59-20-92, умумий бўлим—59-21-21.

Обуна рақами — 64615.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»

нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрират фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзма-лар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.